

Умуминсоний қадриятлар устун бўлган юрт



Давлатимиз раҳбари томонидан Муборак Рамазон ойида яна бир хайрли, савобли “Мехр-5” инсонпарварлик операцияси амалга оширилди. Натижада 93 нафар ҳамюртларимиз Суриядан олиб келинди. Бу фуқаролар Суриядаги уруш кетаётган “қайноқ нуқталарга” бориб қолиб, “Ал-Ҳол” лагерида 3 йилдан ортиқ вақт давомида ушлаб турилган. Уларнинг 24 нафари аёл, 69 нафари болалардир. Қайтган ватандошларимиз орасида 7 нафар болаларнинг на отаси, на онаси бор, ҳеч кими йўқ, чин етимлар эканлиги афсусланарлидир. Мана шундай хайрли ишлар натижасида бугунги кунга қадар юртимизга жами 400 дан ортиқ фуқаролар қайтарилди.

Олиб келинган ватандошларимиз Тошкент вилоятидаги “Бўстон” санаториясига жойлаштирилади. Қайтганларга давлатимиз томонидан тиббий, психологик, моддий-маънавий ёрдамлар кўрсатилади. Уларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга мослашиши, таълим ва ижтимоий ҳаётда иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилади. Бошпана ва иш билан таъминланиш чоралари кўрилади. Шунингдек, уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича зарур ишлар амалга оширилади.

...Мен ўтган йили ватанимизга қайтганлар ҳақида тайёрланган фильмни кўриб жуда таъсирланган эдим. Улар орасида ёшгина жувонлар борлиги, мени афсуслантириди. Давлатимиз томонидан уларнинг ўқиши, ишлаши учун шароитлар қилиб берилаётгани ҳақиқатда юртимизда инсон қадри қанчалик улуғланаёнганидан далолатдир. Уларнинг қўзларида мунг борлиги, афсусдалиги, гапларидан кўриниб турибди. Алдов ва пул топиш илинжида билиб-билмай турли хил оқимларга кириб қолаётган ёшларимизнинг ўз йўлини топиб олишлари учун имконият берилиши меҳр-оқибатнинг ўзгинаси эмасми?

Бу каби нохуш ҳолатлар бўлмаслиги учун оиласаларда фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратишимиш лозим. Ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўtkазиш мақсадида, спорт ва турли хил тўгаракларнинг ташкил қилиниши, ер ажратилиши хатто уруғ ва кўчатларини ҳам олиб берилиши, касб ҳунарга ўқитилиб, кредитлар ажратилиб, субсидиялар берилиши, келажакда мана шундай ёт ғоялар қурбони бўлиб қолмаслиги учун қилинаётган чора-

тадбирлардир. Юртимизда мана шундай эзгу ишлар давом этаверсин.

Мавжуда ҲАСАНОВА,

Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси депутати,

ХДП фракцияси аъзоси.